

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДАЛИЕВ УЛУҒБЕК ШУХРАТОВИЧ**

**ҚЎЗГАЛУВЧАН ҚИСМИНИНГ ФАОЛ ЮЗАСИ ЎЗГАРУВЧАН**  
**БЎЛГАН БУРЧАК СИЛЖИШЛАРИНИ ЎЛЧОВЧИ**  
**ТРАНСФОРМАТОР ЎЗГАРТИРГИЧЛАР**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва**  
**қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мамадалиев Улуғбек Шухратович**

Кўзгалувчан қисмининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган бурчак  
силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичлар..... 3

**Мамадалиев Улуғбек Шухратович**

Трансформаторные преобразователи угловых перемещений с  
переменной активной площадью подвижной части..... 21

**Mamadaliyev Ulugbek Shukhratovich**

Angular displacement transformer converter with a variable active area of the  
movable core..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.15/31.08.2022.T.73.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДАЛИЕВ УЛУҒБЕК ШУХРАТОВИЧ**

**ҚЎЗГАЛУВЧАН ҚИСМИНИНГ ФАОЛ ЮЗАСИ ЎЗГАРУВЧАН**  
**БЎЛГАН БУРЧАК СИЛЖИШЛАРИНИ ЎЛЧОВЧИ**  
**ТРАНСФОРМАТОР ЎЗГАРТИРГИЧЛАР**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва**  
**қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2023.4.PhD/Т4179 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashiit.uz](http://www.tashiit.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Амиров Султон Файзуллаевич</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Сиддиков Илҳомжон Ҳакимович</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Халиков Содикжон Салихджанович</b> техника фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ислом Каримов номидаги Тошкент</b> давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети хузуридаги DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 ракамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «12» март соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: [rektorat@mail.ru](mailto:rektorat@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (227 раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66

Диссертация автореферати 2025 йил «27» феврал куни таркатилди.

(2025 йил «27» февралдаги №023 ракамли реестр баённомаси).



**Р.В. Рахимов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Я.О. Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Р.М. Мирсаатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси  
т.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда электр ҳаракат таркиби хавфсиз, узлуксиз ҳаракатланиши ва унинг ток олиш сифатини яхшилашни таъминловчи техник восита ва илғор технологияларини ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. Ушбу йўналишда темир йўллар электр таъминоти тизимидаги бурчак силжишларни назорат қилувчи қурилмаларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Бу борада темир йўлларнинг айланма йўлларида контакт тармоғи ўтказувчи таянчларидаги консолларни, тортувчи нимстанциялардаги трансформаторнинг юклама остида ростланувчи қурилмасини ва контакт тармоғи симлари таранглигини автоматик назорат қилувчи тизимлари учун бурчак силжишларини юқори аниқликда ўлчовчи ўзгартиргичларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда темир йўл транспорти объектларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларининг сигналларни ўлчовчи, таққословчи, ўзгартирувчи, кучайтирувчи ва ижро этувчи элементлари ҳамда қурилмалари схема ва конструкцияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичлари магнит занжирларида магнит оқимлари чизиқли тақсимланишини амалга оширувчи алмашлаш схемалари ва уларни юқори аниқликда ҳисоблаш имкониятини берувчи математик моделларини ишлаб чиқишга катта аҳамият берилмоқда. Шу билан биргаликда, темир йўл транспорти объектларининг бурчак силжишларини назорат қилишда кенг фойдаланиладиган сезгирлиги ва аниқлиги юқори, тузилиши содда ҳамда чиқиш қуввати юқори бўлган ҳамда чизиқли ўзгартириш функциясига эга бўлган ўлчаш ўзгартиргичларини яратиш зарурати юзага келмоқда.

Республикамизда турли транспорт соҳаларини, жумладан темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш, юқори тезликда ҳаракатланувчи таркиб участкаларини кенгайтириш, мавжуд темир йўл ҳудудларини электрлаштириш чора тadbирлари амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида, жумладан «... иқтисодийнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, ... транспорт катновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан бурчак силжишларини юқори сезгирлик ва аниқлик билан ўлчай оладиган ҳамда чизиқли ўзгартириш тавсифларига эга бўлган янги трансформатор ўзгартиргичларни ва уларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш, чизиқли ва ночизиқ магнит занжирларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПФ-60-сон «2022 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 ноябрдаги ПҚ-3384-сон «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш объектларини назорат ва бошқарув тизимлари учун силжишларни ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичларни ишлаб чиқиш бўйича долзарб масалаларни ечишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан Istituto Nazionale di Ricerca Metrologica ва University of Campania “Luigi Vanvitelli” (Италия), Worcester Polytechnic Institute, Wright State University, University of Michigan ва University of California (АҚШ), Seoul National University (Жанубий Корея), University Malaysia Perlis (Малайзия), Forschungslaboratorien der Siemens AG (Германия), Universidade Federal de Campina Grande (Бразилия), University of Manitoba (Канада), Электродинамика институти ва Киев автоматика институти (Украина), Самара давлат техника университети, Пенза давлат университети, Ульяновск давлат техника университети ва Уфа давлат авиация техника университети (Россия), Тошкент давлат техника университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ва Тошкент давлат транспорт университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунёда силжишларни ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичларни ишлаб чиқиш бўйича долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда John G. Webster, Stephen A. Dyer, David S. Nyce, Pavel Ripka, Richard Boll, Д.И. Агейкин, Л.Ф. Куликовский, Н.Е. Конюхов, М.А. Ураксеев, Я.Р. Абдуллаев, А.В. Федотов ва бошқалар катта ҳисса қўшишган.

Мамлакатимизда бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичларни такомиллаштириш бўйича илмий муаммоларни ҳал қилишга маҳаллий олимлардан М.Ф. Зарипов, Р.К. Азимов, И.Х. Сиддиқов, С.Ф. Амиров, Р.Ж. Баратов ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Бу олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан трансформатор ўзгартиргичларини лойиҳалаш ва ҳисоблашнинг назарий асослари ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган, мазкур ўзгартиргичларнинг оригинал конструкциялари ва схематик ечимлари таклиф қилинган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Бироқ, шу билан бирга, сезгирлиги юқори, тузилиши содда ва чиқиш қуввати юқори бўлган ҳамда чизиқли ўзгартириш функциясига эга бўлган бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичларни ишлаб чиқишга, шунингдек уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлар режаларининг 3-сон «Темир йўл транспорти учун электромагнит ўлчаш воситаларини такомиллаштириш» (2019-2023) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сезгирлиги ва аниқлиги юқори, диапазони кенгайтирилган ҳамда чизикли ўзгартириш функциясига эга бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

замонавий босқичда бурчак силжишларини ўлчаш масалаларини тадқиқ этиш ва силжиш ўзгартиргичларига бўлган асосий талабларни шакллантириш;

бурчак силжишларини ўлчовчи мавжуд ўзгартиргичлар асосий техник характеристикаларининг қиёсий таҳлилинини ўтказиш ва ўзгартиргич турини танлаш ва уни асослаш;

сезгирлиги ва аниқлиги юқори, диапазони кенгайтирилган ҳамда чизикли ўзгартириш функциясига эга бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргичларини ишлаб чиқиш;

бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргичлар математик моделларини ишлаб чиқиш;

бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргичлар асосий характеристикаларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргичлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргичларни яратиш ва уларнинг асосий техник тавсифларини тадқиқ этишни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарқоқ параметрларга эга бўлган электр ва магнит занжирлар назарияси, турли физик табиатли занжирларнинг энергия-ахборот моделлари ва параметрик структура схемалари аппарати, асосий ва кўшимча хатоликларни аниқлаш усуллари ҳамда ишончлилиқ назарияси усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ишчи ҳаво оралиқларида жойлаштирилган чулғам, ферромагнит ўзак ёки экранини ўроқсимон ҳалқа кўринишида яшаш орқали сезгирлиги ва аниқлиги юқори, кенг диапазонли ҳамда статик характеристикаси чизикли бўлган бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргич ишлаб чиқилган;

битта ўқда жойлаштирилган иккита берк ҳалқасимон магнит ўтказгич қалинлигини уларни туташтиргич билан уланган нуқтасидан унга қарама-қарши диаметрал нуқтасига томон чизикли камайиб борадиган қилиб яшаш орқали ўзгартириш функцияси чизикли бўлган бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргич ишлаб чиқилган;

янги трансформатор ўзгартиргичларнинг узун ферромагнит стерженлари, ишчи ҳаво оралиқлари ва фаол юзаси ўзгарувчан бўлган чулғами, ўзаги ва экран параметрлари тарқоқлигини инобатга олган ҳолда математик моделлари ишлаб чиқилган;

чулғами, ферромагнит ўзаги ва экранининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган янги трансформатор ўзгартиргичлар магнит занжирларини фаол юзаси ўзгарувчан элементгача, шу элементнинг ўзи ва ундан кейинги участкаларга бўлаклаб ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргичлар статик, динамик ва метрологик тавсифларини тадқиқ этиш учун аналитик боғлиқликлар ҳосил қилинган;

сезгирлиги ва аниқлиги юқори, диапазони кенгайтирилган ҳамда чизикли ўзгартириш функциясига эга бўлган бурчак силжишларини ўлчовчи иккита қурилма ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тарқоқ параметрли электр ва магнит занжирлари асосий қонунларининг асосли равишда қўлланилиши, шунингдек, назарий ва тажриба натижаларининг ўзаро мос келиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргичлар асосий характеристикаларини назарий тадқиқ этиш имкониятини берувчи узун ферромагнит стерженлари, ишчи ҳаво ораликлари ва фаол юзаси ўзгарувчан бўлган чулғами, ўзаги ва экран параметрлари тарқоқлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган математик моделлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичлар янги конструкцияларини яратиш мақсадида умумлашган усулларни, уларнинг ҳисоблаш услубини магнит занжирлари параметрларининг тарқоқликларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва тузилган параметрик структура схема орқали трансформатор ўзгартиргичлар динамик характеристикаларини тадқиқ этишни соддалаштириши ҳамда ушбу ўзгартиргичларни лойиҳалаш вақтини қисқартиришни таъминлаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичларни ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

трансформатор ўзгартиргич қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасасидан ихтирога патент олинган (№IAP 07519; 2023 й.). Натижада, ўзгартириш функцияси чизикли бўлган эга бўлган бурчак силжишларини ўлчовчи қурилма яратилган;

трансформатор ўзгартиргич қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасасидан ихтирога патент олинган (№IAP 07683; 2024 й.). Натижада, сезгирлиги ва аниқлиги юқори, диапазони кенгайтирилган ҳамда чизикли ўзгартириш функциясига эга бўлган бурчак силжишларини ўлчовчи қурилма яратилган;

сезгирлиги ва аниқлиги юқори, диапазони кенгайтирилган ҳамда чизикли ўзгартириш функциясига эга бўлган бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргич қурилмаси “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “Ховос” электр таъминоти дистанциясига қарашли “Янгиер” контакт тармоғи участкаси(ЭЧК-8)да контакт осмасининг тебраниш ҳолати ҳақидаги аниқ маълумотларни олиш ва унда автотебраниш ҳодисаси

вужудга келганлигини ўз вақтида аниқлаш мақсадида қўлланилган (“Темирйўлинфратузилма” АЖнинг 2024 йил 12-ноябрдаги 4/Е1538-сон маълумотномаси). Натижада, контакт осмасининг тебраниш ҳолатини автоматик назорат қилиш ва электровоз ҳаракатланиши учун хавfli бўлган автотебраниш ҳодисасини ўз вақтида аниқлаш ҳамда тебраниш амплитудалари ҳақидаги аниқ маълумотларни олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 1 та хорижий ва 9 та республика журналларида нашр этилган. Шунингдек 2 та ихтирога Ўзбекистон Республикаси “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасасидан патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ишнинг долзарблиги асосланган, масаланинг ҳолати ёритиб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифи берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тавсифланган, тадқиқотнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган, илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш маълумотлари келтирилган.


Диссертациянинг **“Муаммонинг ҳолати ва тадқиқот вазифаларини қўйилиши”** деб номланган биринчи бобида бурчак силжишлари фарқини ўлчаш ўзгартиргичларидан фойдаланиладиган назорат ва бошқарув тизимлари схемаларини таҳлил этиш асосида ушбу тизимлардаги ўлчаш ўзгартиргичлари юқори сезгирлик, аниқлик ва чиқиш қувватига, кенг ўлчаш диапазониغا, оғир эксплуатация шароитларида мутадил техник характеристикаларга ҳамда чизикли ўзгартириш функциясига эга бўлиши лозимлиги аниқланди.

Бурчак силжишини ўлчашда мавжуд ўлчаш ўзгартиргичлари асосий характеристикаларини қиёсий таҳлили трансформатор ўлчаш ўзгартиргич(ТЎЎ)лари назорат ва бошқарув тизимлари талабларига нисбатан тўлиқ жавоб беришини кўрсатди. Шу билан бирга, мавжуд ТЎЎ лари сезгирлиги ва аниқлиги пастлиги, ўлчаш диапазони нисбатан тор ҳамда статик характеристикаси ночизик эканлиги аниқланди.


Адабиёт манбаларини таҳлил қилиш натижалари ва қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотнинг асосий вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг **“Бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичларни такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида техник ижодиётнинг энергия-ахборот усулидан фойдаланган ҳолда сезгирлиги ва аниқлиги юқори, диапазони кенгайтирилган ҳамда чизикли ўзгартириш функциясига эга бурчак силжишларини ўлчовчи трансформатор ўзгартиргичларнинг янги конструкциялари ишлаб чиқилган.

Тўў конструкцияларини такомиллаштиришда техник ижодиётнинг энергия-ахборот усулидан фойдаланиш физик табиатидан катъий назар ҳодисалар бир хил русумдаги аналитик тенгламалар билан тавсифлаш, ҳар қандай табиатли занжирда бир хил (тўртта) катталиқ ҳамда (олтита асосий ва уларнинг ҳосилалари) параметрларга таяниш, Тўў ларидаги турли физик табиатли мураккаб физик жараёнлар физик-техник эффект (ФТЭ) деб номланувчи элементар ўзгартиргичларга бўлаклаш ва уларнинг маълум қоидалар билан ўзаро уланган параметрик структура схема (ПСС) деб номланувчи схемага бирлаштириш имконини берди. Иккинчи янги Тўў (2-расм)да маълум бир ишчи ҳаво оралиғи билан ўзаро остин-устун жойлаштирилган иккита берк ҳалқасимон магнит ўтказгич қалинлигини уларнинг туташтиргич билан уланган нуқтасидан унга қарама-қарши диаметрль нуқтасига томон чизиқли  $h_{\alpha} = h_m \left(1 - \frac{\alpha}{\alpha_m}\right)$  (бу ерда  $h_m$  – берк ҳалқасимон магнит ўтказгич қалинлигининг максимал қиймати;  $\alpha$ ,  $\alpha_m$  – бурчак кординатаси ва унинг максимал қиймати) қонуният билан камайиб борадиган қилиб яшаш ўзгартиргични унинг прототипига нисбатан статик характеристикасининг чизиқлилигини таъминлаш имконини берди.



1- расм. Янги Тўў конструктив схемаси: 1, 2 – ўроқсимон магнит ўтказгичлар; 3, 4, 5, 6 – Е – симон магнит ўтказгич стерженлари; 7, 8 ва 9, 10 – чулғамлар секциялари; 11 – ўк




2- расм. Янги Тўў конструктив схемаси: 1, 2 – берк ҳалқасимон магнит ўтказгичлар; 3 – Z – симон ферромагнит туташтиргич; 4 – кўзғатиш чулғами; 5, 6 – ўлчаш чулғамининг секциялари; 7, 8 – ўклар;  $Q_{\mu m}$  – кўзғатиш чулғами ҳосил қилган магнит оқимининг ярми;  $Q_{\mu 1\alpha}$ ,  $Q_{\mu 2\alpha}$  – ишчи магнит оқимлари;  $E_{чик.5}$ ,  $E_{чик.6}$  – чиқиш ЭЮК лари;  $U_{\mu\alpha}$  – кўзғатиш чулғами кучланиши;  $b$ ,  $r$  – ҳар бир берк ҳалқасимон магнит ўтказгичнинг эни ва радиуси;  $\delta$  – берк ҳалқасимон магнит ўтказгичлар орасидаги ишчи ҳаво оралиғи

Яратилган Тўў ларининг биринчи конструкцияси 1- расмда ишчи ҳаво оралиқларида жойлаштирилган чулғам, ферромагнит ўзак ёки электромагнит экран фаол (кўзғалмас ва кўзғалувчан қисм(ҚК)лар орасидаги) юзасини бурчак координатаси  $\alpha$  бўйича чизиқли  $S_{\mu\delta_{иш1}}(\alpha) = \frac{ba}{\pi}(\alpha_m + \alpha)$  (1) ва

$S_{\mu\delta_{\text{иш}2}}(\alpha) = \frac{ba}{\pi}(\alpha_m - \alpha)$  (2) (бу ерда  $a$  – кўзгалувчан ўроқсимон магнит ўтказгич максимал қалинлигининг ярми) қонуният билан ўзгарадиган ўроқсимон ҳалқа кўринишида яшаш ушбу ўзгартиргичларни уларнинг сезгирлиги ва аниқлигини ошириш, диапазони кенгайтириш ва статик характеристикасининг чизиқлилигини таъминлаш имконини берди.

Бурчак силжиши назорат қилинаётган объектга иккита ярим ўқ орқали маҳкамланган кўзгалувчан ўроқсимон магнит ўтказгичлар маълум йўналишда, масалан, соат мили ҳаракатига қарама-қарши йўналишда  $\alpha$  бурчакка бурилганда 4 ва 5 стерженлар билан магнит ўтказгич 1 ўртасидаги ишчи ҳаво оралиғининг фаол юзаси  $S_{\mu\delta_{\text{иш}1}}(\alpha) = \frac{ba}{\pi}(\alpha_m + \alpha)$  қонуният билан (ҚҚ  $\alpha$  бурчакка бурилганда 4 ва 5 стерженлар оралиғига магнит ўтказгич 1 нинг қалинроқ қисми кириб бориши сабабли) чизиқли ортиши ҳисобига уни кесиб ўтаётган магнит оқими  $Q_{\mu1}$  ортади (3- расм, а да 4 ва 5 стерженларнинг ҳолати узук чизиқлар билан кўрсатилган), 5 ва 6 стерженлар билан магнит ўтказгич 2 ўрталаридаги ишчи ҳаво оралиғи фаол юзаси  $S_{\mu\delta_{\text{иш}2}}(\alpha) = \frac{ba}{\pi}(\alpha_m - \alpha)$  қонуният билан (ҚҚ  $\alpha$  бурчакка бурилганда 5 ва 6 стерженлар оралиғига магнит ўтказгич 2 нинг юпқароқ қисми кириб бориши сабабли) чизиқли камайиши ҳисобига уни кесиб ўтаётган оқим  $Q_{\mu2}$  камаяди (3- расм, б да 5 ва 6 стерженларнинг ҳолати узук чизиқлар билан кўрсатилган).




**3- расм. Янги ТЎЎ даги Е- симон магнит ўтказгич 4 ва 5 стерженлари билан магнит ўтказгич 1 (а) ҳамда унинг 5 ва 6 стерженлари билан магнит ўтказгич 2 (б) да ҳосил бўладиган фаол юзаларни ўлчанаётган бурилиш бурчаги координатасига боғлиқлик аналитик ифодасини аниқлашга оид чизмалар**

Бунинг натижасида ўлчаш чулғамининг иккала секциясида улардан ўтаётган магнит оқимларига пропорционал бўлган ЭЮК лар индукцияланади. Ўлчаш чулғамининг секциялари ўзаро кетма-кет ва индуктив жиҳатдан қарама-қарши, яъни дифференциал схема бўйича уланганлиги сабабли ушбу чулғам чиқишида магнит оқимлари ўзгаришига ва, бинобарин, ҚҚ бурилиш бурчагига пропорционал бўлган иккиланган сигнал ҳосил бўлади.

Диссертациянинг “Бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргичлар математик моделлари” деб номланган учинчи бобида чулғами, ферромагнит ўзаги ва экранининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган янги ТЎЎ лар математик моделлари ишлаб чиқилган.

Янги ТЎЎ лар математик моделларни ишлаб чиқишда қуйидаги чекловлар қабул қилинган: 1) магнит занжири чизикли, яъни занжир унда магнит ўтказгич сифатида қўлланиладиган ферромагнит материал магнит характеристикасининг тўғри чизикли қисмида ишлайди; 2) ферромагнит ўтказгичларнинг чет қисмлари, ён томонлари ва қирралари орқали бирлашадиган сочилган магнит оқимлари ҳамда йиғиқ ҳолда жойлашган кўзғатиш ва ўлчаш чулғамларининг ўлчамлари ҳисобга олинмайди; 3) янги ТЎЎ лар магнит занжирларидаги ҳар бири иккитадан ясалган П- ва ҳалқасимон магнит ўтказгичлар, фаол юзалари ўзгарувчан ўроқ(спирал)симон чулғамлар, ферромагнит ўзақлар ҳамда электромагнит экранлар бир хил хосса ва ўлчамларга эга деб ҳисобланади. Янги ТЎЎ лар магнит занжирларини назарий тадқиқ этишда кўзғалувчан қисм(КҚ)га эга бўлган тарқоқ параметрли магнит занжирларини ҳисоблашда энг қулай ва аниқлиги юқори бўлган усул - магнит занжирларини характерли бўлақларга ажратиб ҳисоблаш усулидан фойдаланилди. Бунда занжирнинг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган элементи гача бўлган бўлагидаги координата  $x_1$ , шу элементдаги координата  $x_2$  ва элементдан кейинги бўлагидаги координата эса  $x_3$  билан белгиланди ҳамда  $x_1$  координата бошини магнит занжирининг кўзғатиш чулғами ўрнатилган қисмидан олинди (4- расм, а).

Чулғами, ферромагнит ўзаги ва экранининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган янги ТЎЎ лар магнит занжирларини юқорида қайд этилган усул ёрдамида ҳисоблашда ҳар бир ҳолат учун занжирнинг тегишли участкалари (4- расм, б)га оид дифференциал тенгламалар тузиш ва уларни чегаравий шартларни инобатга олган ҳолда ечиш орқали ишчи магнит оқимлари ифодалари ҳосил қилинди.




4- расм. Фаол юзаси ўзгарувчан бўлган янги ТЎЎ магнит занжирининг конструктив (а) ва элементар  $dx_i$  узунликдаги участкасининг алмашлаш (б) схемалари

Хусусан, ўлчаш чулғамининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган янги ТЎЎ занжиридаги магнит оқимлари учун қуйидаги ифодалар ҳосил қилинди:

$$Q_{\mu\alpha}^{\text{ю.}} = \frac{2F_k ch \beta_s}{\Delta_1} sh[0,5\beta_s(1 + \alpha^*)], \quad (3) \quad Q_{\mu\alpha}^{\text{к.}} = \frac{2F_k ch \beta_s}{\Delta_1} sh[0,5\beta_s(1 - \alpha^*)], \quad (4)$$

бу ерда  $F_k$  – кўзғатиш чулғамининг магнит юритувчи кучи,  $[A]$  ;  
 $\gamma_s = \sqrt{2Z_{\mu\pi}C_{\mu\pi}}$  – магнит майдонини магнит занжири бўйлаб тарқалиш  
коэффициенти,  $[m^{-1}]$ ;  $X_M = \frac{a}{\pi}\alpha_M$  – координатанинг максимал қиймати  $x =$   
 $\frac{a}{2\pi}(\alpha_M + \alpha)$ ,  $[m]$ ;  $\delta_{иш}$  – ишчи ҳаво оралиғи  $[m]$ ;  $b, h, \delta_s$  – П- симон магнит  
ўтказгич узун стерженларининг қалинлиги, баландлиги ва улар орасидаги ҳаво  
оралиғи  $[m]$ ;  $\beta_s = \gamma_s \frac{a}{\pi} \alpha_M = \gamma_s X_M$  – магнит майдонини магнит занжири бўйлаб  
сўниш коэффициенти,  $[-]$  ;  $\alpha^* = \alpha/\alpha_M$  – нисбий бирликдаги бурчак  
координата,  $[-]$  ;  $\Delta_1 = Z_{\mu 0} sh(2\beta_s) + (\gamma_s/C_{\mu\pi}) ch(2\beta_s)$  ,  $[H^{-1}]$  ;  
 $Z_{\mu\pi} = (\mu\mu_0 bh)^{-1}$ ,  $[H^{-1} \cdot m^{-1}]$ ,  $C_{\mu\pi} = \mu_0(b/\delta_s)$ ,  $[H \cdot m^{-1}]$  – П- симон магнит  
ўтказгич узун стерженлари мос равишда магнит қаршилиги ва улар орасидаги  
ишчи ҳаво оралиғи магнит сифимининг занжир узунлик бирлигига тўғри  
келувчи погон қийматлари;  $Z_{\mu 0} = (\mu\mu_0 bh)^{-1} \delta_s$ ,  $[H^{-1}]$  - П- симон магнит  
ўтказгич асосининг магнит қаршилиги;  $\mu = const$ ,  $\mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7} [H \cdot m^{-1}]$  –  
мос равишда магнит ўтказгич материалининг нисбий магнит  
сингдирувчанлиги ва магнит доимийси. Занжирларнинг геометрик ўлчамлари  
4- расм, а да келтирилган.

Ҳосил қилинган (3) ва (4) ифодалар ҳамда улар асосида  $\beta_s$  нинг турли  
қийматларида қурилган  $Q_{\mu\alpha}^{ю.*} = f(\alpha^*)$  ва  $Q_{\mu\alpha}^{к.*} = f(\alpha^*)$  функциялар графиклари  
(5- расм, а) таҳлили шуни кўрсатадики (бу ерда  $Q_{\mu\alpha}^{ю.*} = Q_{\mu\alpha}^{ю.}/Q_{\mu\alpha}^{ю.(max)}$  ва  $Q_{\mu\alpha}^{к.*} =$   
 $Q_{\mu\alpha}^{к.}/Q_{\mu\alpha}^{к.(max)}$  бўлиб,  $Q_{\mu\alpha}^{ю.(max)} = Q_{\mu\alpha}^{к.(max)} = [F_k sh(2\beta_s)] \Delta_1^{-1}$  га тенг) (4- расм,  
а), ишчи магнит оқимларининг  $\alpha$  бурчакка боғлиқлиги ночизик бўлиб,  
ночизиклик даражаси ( $\varepsilon_{чул.}$ )  $\beta_s$  нинг ортиши билан ортиб боради, масалан,  $\beta_s$   
графикларда келтирилган қийматлари учун  $\varepsilon_{чул.}$  мос равишда 0,007 % ,  
0,07 % , 1,81 % ва 4,57 % ни ташкил этди.



5- расм.  $Q_{\mu\alpha}^{ю.*} = f(\alpha^*)$  ва  $Q_{\mu\alpha}^{к.*} = f(\alpha^*)$  функцияларнинг  $\beta_s$  нинг турли қийматларида  
қурилган графиклари

Фаол юзаси ўзгарувчан бўлган чулғам кўзғатиш чулғами вазифасини  
бажарган ҳолатда ҳам ишчи магнит оқимлари учун (3) ва (4) кўринишидаги  
ифодалар ҳосил бўлиши аниқланди.

Ферромагнит ўзагининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган ва узун параллел  
стерженлар орасидаги  $\delta_s$  ҳаво оралиғи магнит сифими нолга тенг ( $C_{\mu\pi} \approx 0$ )

деб қабул қилинган янги ТЎЎ магнит занжиридаги ишчи магнит оқимлари учун куйидаги ифодалар ҳосил қилинди:

$$Q_{\mu\alpha}^{\text{ю.}} = \frac{\dot{F}_k}{2\Delta_{21}^*} sh[\beta_{\text{иш}}(1 + \alpha^*)], \quad (5) \quad Q_{\mu\alpha}^{\text{к.}} = \frac{\dot{F}_k}{2\Delta_{22}^*} sh[\beta_{\text{иш}}(1 - \alpha^*)], \quad (6)$$

бунда  $\Delta_{21(2)}^* = [Z_{\mu 0} + Z_{\mu}(1 \mp \alpha^*)] sh[\beta_{\text{иш}}(1 \pm \alpha^*)] + \frac{\beta_{\text{иш}}}{Y_{\mu\text{иш.п}}} ch[\beta_{\text{иш}}(1 \pm \alpha^*)], [H^{-1}]$ ;

$$\beta_{\text{иш}} = \gamma_{\text{иш}} \frac{a}{\pi} \alpha_M = \gamma_{\text{иш}} X_M; \quad \gamma_{\text{иш}} = \sqrt{2Z_{\mu\text{п}} Y_{\mu\text{иш.п}}}; \quad Y_{\mu\text{иш.п}} = \frac{1}{\sqrt{(C_{\mu\text{иш}})^{-2} + Z_{\mu\text{сп}}^2 \cdot X_M}}, [H \cdot$$

$m^{-1}]$ ;  $C_{\mu\text{иш}} = \mu_0 b X_M / 2\delta_{\text{иш}}, [H]$  –Е- симон магнит ўтказгич стержени ва фаол юзаси ўзгарувчан спиралсимон ферромагнит ўзак орасидаги ишчи ораликлари мос равишда тўла магнит ўтказувчанлиги ва сиғими;  $Z_{\mu\text{сп}}, [H^{-1}]$  - спиралсимон ўзак фаол қисмининг магнит оқими йўлидаги тўла қаршилиги (“±” ва “∓” лардаги юқори ишоралар  $\Delta_{21}^*$ , куйи ишоралар эса  $\Delta_{22}^*$  га тегишли).

Ҳосил қилинган (5) ва (6) ифодалар ҳамда улар асосида  $\beta_s$  нинг турли қийматларида қурилган  $Q_{\mu\alpha}^{\text{ю.*}} = f(\alpha^*)$  ва  $Q_{\mu\alpha}^{\text{к.*}} = f(\alpha^*)$  функциялар графиклари таҳлили шуни кўрсатадики (5- расм, б), ишчи магнит оқимларининг  $\alpha$  бурчакка боғлиқлиги  $\beta_s$  нинг турли қийматларида ҳам чизиклилигини сақлаб қолиши аниқланди. Бунда ҳисоблашлар ва тажриба натижаларининг фарқи 3,5 ÷ 5,5 % дан ошмади. Айтиб ўтиш жоизки, янги ТЎЎ нинг ясалган намунасида  $\beta_{\text{иш}}$  қиймати фақат ферромагнит материалнинг нисбий магнит сингдирувчанли қийматини ўзгартириш ҳисобидан ўзгартирилган.

Ферромагнит ўзагининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган ва узун параллел стерженлар орасидаги  $\delta_s$  ҳаво оралиғи магнит сиғими нолга тенг эмас ( $C_{\mu\text{сп}} \neq 0$ ), деб қабул қилинган янги ТЎЎ магнит занжиридаги ишчи магнит оқимлари учун куйидаги ифодалар ҳосил қилинди:

$$Q_{\mu\alpha} = \frac{8\dot{F}_k}{C_{\mu\text{сп}} Y_{\mu\text{иш.п}}^2 \Delta_{31}^*} \{ \gamma_s^2 Y_{\mu\text{иш.п}}^2 sh^2[0,5\beta_s(1 \mp \alpha^*)] sh[\beta_{\text{иш}}(1 \pm \alpha^*)] +$$

$$+ \gamma_s^2 Y_{\mu\text{иш.п}} ch^2[0,5\beta_s(1 \mp \alpha^*)] sh[\beta_{\text{иш}}(1 \pm \alpha^*)] +$$

$$+ 0,5\gamma_s \gamma_{\text{иш}} (C_{\mu\text{сп}} + Y_{\mu\text{иш.п}}) sh[\beta_{\text{иш}}(1 \mp \alpha^*)] ch[\beta_{\text{иш}}(1 \pm \alpha^*)] \}, \quad (7)$$

бу ерда  $\Delta_{31(2)}^* = -\frac{8}{Y_{\mu\text{иш.п}}^3 C_{\mu\text{сп}}} \{ \gamma_s^2 \gamma_{\text{иш}} Y_{\mu\text{иш.п}} ch^2[0,5\beta_s(1 \mp \alpha^*)] ch[\beta_{\text{иш}}(1 \pm \alpha^*)] +$

$+ \gamma_s^2 \gamma_{\text{иш}} C_{\mu\text{сп}} sh^2[0,5\beta_s(1 \mp \alpha^*)] ch[\beta_{\text{иш}}(1 \pm \alpha^*)] +$   
 $+ 0,5\gamma_s (\gamma_{\text{иш}}^2 Y_{\mu\text{сп}} + \gamma_s^2 Y_{\mu\text{иш.п}}) sh[\beta_{\text{иш}}(1 \mp \alpha^*)] sh[\beta_{\text{иш}}(1 \pm \alpha^*)] \}, [H^{-3} \cdot m^{-1}]$   
 (“±” ва “∓” лардаги юқори ишоралар тадқиқ этилаётган магнит занжирининг юқори стерженидаги магнит оқими  $Q_{\mu\alpha}^{\text{ю.}}$  ва  $\Delta_{31}^*$  га, улардаги куйи ишоралар – занжирнинг куйи стерженидаги магнит оқими  $Q_{\mu\alpha}^{\text{к.}}$  ва  $\Delta_{32}^*$  га тегишли бўлиб,  $\Delta_{31}^*$  ва  $\Delta_{32}^*$  ларнинг  $Z_{\mu 0} \neq 0$  даги ифодалари диссертацияда келтирилган).

Ҳосил қилинган (7) ифодалар таҳлили  $\delta_s \geq 4\delta_{\text{иш}}$  шарт бажарилганда  $Q_{\mu\alpha}^{\text{ю.}}$  ва  $Q_{\mu\alpha}^{\text{к.}}$  лар қийматларининг уларнинг  $C_{\mu\text{сп}} \approx 0$ , деб ҳисобланган ҳолатдаги қийматларидан фарқи 1,2 ÷ 1,4 % дан ошмаслигини кўрсатди.

Ферромагнит ўзаги фаол юзаси ўзгарувчан бўлган иккинчи янги ТЎЎ (2-

расм) магнит занжирининг иккала берк ҳалқасимон магнит ўтказгичлардаги ишчи магнит оқимлари ( $Q_{\mu 1\alpha}$ ,  $Q_{\mu 2\alpha}$ ) ва магнит индукциялари ( $B_{\mu 1\alpha}$ ,  $B_{\mu 2\alpha}$ ) ҳамда улар орасидаги ҳаво оралиғидаги магнит индукцияси ( $B_{\mu\delta}$ ) учун қуйидаги ифодалар ҳосил қилинди:

$$Q_{\mu 1\alpha} = Q_{\mu M} \alpha^*, \quad (8) \quad Q_{\mu 2\alpha} = Q_{\mu M} (1 - \alpha^*), \quad (9)$$

$$B_{\mu 1\alpha} = B_{\mu 2\alpha} = Q_{\mu M} (bh_M)^{-1}, \quad (10) \quad B_{\mu\delta} = Q_{\mu M} (bl_M)^{-1}, \quad (11)$$

бу ерда  $Q_{\mu M} = F_K / \left[ 2Z_{\mu 0} + l_M (\mu\mu_0 bh_M)^{-1} + (C_{\mu сп} X_M)^{-1} \right]$  – ҳар бир берк ҳалқасимон магнит ўтказгичдаги магнит оқимининг максимал қиймати,  $Wb$ ;  $l_M$  – берк ҳалқасимон магнит ўтказгич бурчак координатаси  $\alpha$  максимал қиймати  $\alpha_M$  га мос келувчи ҳалқа айланасининг максимал қиймати,  $[m]$ .

Ҳосил қилинган (8)-(11) ифодалар таҳлили шуни кўрсатадики, агар берк ҳалқасимон магнит ўтказгичлар қалинликлари уларнинг туташтиргич билан уланган нуқтасидан унга қарама-қарши диаметрль нуқтасига томон чизикли  $h_\alpha = h_M (1 - \alpha^*)$  қонуният билан камайиб борадиган қилиб ясалса, у ҳолда улардаги ишчи магнит оқимлари бурчак координата бўйича қатъий чизикли қонуният билан тақсимланади, берк ҳалқасимон магнит ўтказгичлардаги ва улар орасидаги ишчи ҳаво оралиғидаги магнит индукцияларининг қийматлари эса бурчак координатасига боғлиқ бўлмайди. Ҳалқасимон магнит ўтказгичлардаги магнит индукцияси қийматларининг ўзгармасдан сақланиши ҳалқалар магнит қаршилиги қийматини бурчак координатаси  $\alpha$  бўйича ўзгармаслигини таъминлаши аниқланди.

Электромагнит экранининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган ва унинг магнит ўтказувчанлиги нолга тенг, яъни  $Y_{\mu эк} \approx 0$ , деб қабул қилинган янги ТЎЎ магнит занжиридаги ишчи магнит оқимлари учун қуйидаги ифодалар ҳосил қилинди:


$$Q_{\mu\alpha} = \frac{F_K C_{\mu s}}{\Delta_{41}^*} \left\{ sh[\beta_s (1 \mp \alpha^*)] + \beta_s (1 \pm \alpha^*) sh^2 \left[ \frac{1}{2} \beta_s (1 \mp \alpha^*) \right] \right\}, \quad (12)$$

бу ерда  $\Delta_{41(2)}^* = 0,5\beta_s^2 (1 \pm \alpha^*) sh[\beta_s (1 \pm \alpha^*)] + Z_{\mu 0} C_{\mu s} sh[\beta_s (1 \mp \alpha^*)] + Z_{\mu 0} C_{\mu s} \beta_s (1 \pm \alpha^*) sh^2 [0,5\beta_s (1 \mp \alpha^*)] + \beta_s ch[\beta_s (1 \mp \alpha^*)]$ ,  $[H^{-1} \cdot m^{-1}]$ .

Ҳосил қилинган (12) ифода ва улар асосида  $\beta_s$  нинг турли қийматлари учун қурилган  $Q_{\mu\alpha}^{ю.*} = f(\alpha^*)$  ва  $Q_{\mu\alpha}^{ю.*} = f(\alpha^*)$  функциялар графиклари (6- расм) таҳлили  $\beta_s$  нинг ортиб бориши билан ишчи магнит оқимларининг бурчак координата бўйича ночизик тақсимланиш даражаси ортиб боришини кўрсатди.

Ўлчаш чулғами, ферромагнит ўзаги ва электромагнит экранининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган янги ТЎЎ лари магнит занжирлари учун ҳосил қилинган математик моделлар таҳлили шуни кўрсатдики, ферромагнит ўзагининг фаол юзаси ўзгарувчан ва магнит занжири учта (унинг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган элементиғача, шу элементнинг ўзи ва ундан кейинги) характерли бўлакларга бўлинган ҳолат учун тузилган дифференциал тенгламалар ҳамда уларнинг ечимлари кўринишидаги математик моделлар умумий ҳисобланади. Чунки, агар ушбу дифференциал тенгламаларда

$Y_{\mu иш.п} = C_{\mu сп}$  ва  $\gamma_{иш} = \gamma_s$ , деб ҳисобланса, у ҳолда ўлчаш чулғамининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган янги ТЎЎ лари магнит занжирларига оид



6- расм.  $Q_{\mu\alpha}^{ю.*} = f(\alpha^*)$  ва  $Q_{\mu\alpha}^{к.*} = f(\alpha^*)$  функцияларнинг  $\beta_s$  нинг турли қийматлари учун қурилган графиклари

ишчи магнит оқимларининг ҚҚ бурчак силжишига боғлиқлиги чизикли эканлигини ва уларни яшашда ишлатиладиган рангли металл миқдори кам бўлишини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги назарий ва тажриба тадқиқотлари ферромагнит ўзагининг фаол юзаси ўзгарувчан бўлган иккита янги ТЎЎ устида олиб борилди.

Янги ТЎЎ ларда магнит ўтказгич сифатида қўлланилган ферромагнит материал магнитланиш характеристикасидаги ночизикликни ўзгартиргичлар характеристикаларига таъсири уни иккита ҳаддан ташкил топган тўлиқсиз даражали полином функция  $H = k_1 B + k_2 B^3$  (бу ерда  $k_1, [A/(T \cdot m)]$ ,  $k_2, [A/(T^3 \cdot m)]$  – аппроксимация коэффициентлари) орқали инобатга олинган. Натижада ҳосил қилинган ночизик дифференциал тенглама итерация усули ечилиб, ишчи магнит оқимининг қуйидаги ифодаси олинган:

$$Q_{\mu\alpha} = \frac{\gamma_{иш}^2 F_{к}}{2b_1 \Delta_{21}^*} sh[\beta_{иш}(1 \pm \alpha^*)] - \frac{b_2}{b_1} \cdot \frac{F_{к}^3}{8(\Delta_{22}^*)^3} sh^3[\beta_{иш}(1 \pm \alpha^*)]. \quad (13)$$

бу ерда  $b_1 = 2k_1 S_{\mu}^{-1} C_{\muиш.п}, [m^{-2}]$ ;  $b_2 = 2k_2 S_{\mu}^{-3} C_{\muиш.п}, [Wb^{-2} \cdot m^{-2}]$ .

Яратилган ТЎЎ ҳисоблашда ферромагнит материали магнитланиш характеристикаси ночизиклигини инобатга олиш ҳисоблаш аниқлигини ошириш имконини берди, яъни ҳисоблаш хатолиги тажриба натижаларига нисбатан (6 ÷ 8) % дан (3,5 ÷ 5,5) % гача камаяди.

Тадқиқ этилган иккала янги ТЎЎ чиқиш катталикларининг қуйидаги ифодалари ҳосил қилинди:

$$\dot{E}_{чик,1} = -j\omega_{\Delta} w_{чик} (\dot{Q}_{\mu\alpha}^{ю.*} - \dot{Q}_{\mu\alpha}^{к.*}), \quad (14) \quad \dot{E}_{чик,2} = -j2\omega_{\Delta} w_{чик} \dot{Q}_{\mu\alpha} \alpha^*, \quad (15)$$

бу ерда  $\omega_{\Delta}$  – манба кучланишининг бурчак частотаси,  $[s^{-1}]$ ;  $w_{чик}$  – ўлчаш чулғами секцияси ўрамлари сони,  $[-]$ .

Диссертациянинг “**Бурчак силжишларини ўлчовчи янги трансформатор ўзгартиргичлар асосий характеристикалари**” деб номланган тўртинчи боби янги ТЎЎ ларнинг статик, динамик, хатолик ва ишончлилик каби характеристикалари тадқиқ этишга бағишланган.

